

МАНГУЛИККА ДАЪВОГАР «ХАТТОТ»ЛАР

Жиззах шаҳридан чиқиб, Самарқанд томонга кетаваришдаги «Темур дарвоза». Осмон билан тиллашиб ётган ҳур чўққилар. Бир пайтлар пишқириб оққан Сангзор дарёси тушовланган — қуримоқдан берида сокин жимирлайди. Қушлар овози тинган, шоир айтганчалик:

Бу юртда
Булбуллар ўлган.

Гуллар қуриб бўлган —
Аллақачон...

Юқорига ўрлаймиз, тева-
рак-атроф ахлатларга тўла,
бодомлар синган, майса-
лар топталган, қизғалдоқ-
лар умуман қуриб битган...
Мунажжим Мирзо Улуғ-
бек битиклари... Махсус йў-
нилган тошлар, авлодлари-
мизга мозийдан лавҳа дея
ҳаттотлар томонидан ёзил-

ган тирик тарих. Бу табият-
га зўравонлик эмас, балки
ўша замон заруратидир.

Мангуликка даъвогар
«хаттот»лар... Қояларга тур-
фа бўёқларда исмлар, йил-
лар ёзилган: «Миша, Алё-
ша, Нурмат 1965 йиллар». Қоялар уларни авлодларга етказди. Аммо уларга ўқиладиган ҳукм қандай бўлади?!

«Р+Д=С». Уларнинг тил-
лари тош каби оғир, қоялар
сўзлайди улар қандай аҳд-
лашганини. «Лайли ва Маж-
нун»ни, «Фарҳод ва Ширин»-
ни ҳар биримиз ўқиганмиз.
Нега Фарҳод қояларга Ши-
риннинг номини ёзмаган
экан? Шу тўғрида ҳеч ўй-
лаб кўрмаганмисиз?

Ҳайронман, лолман, но-
мингизни тошларга ёзган-
ча табиятнинг гўзаллиги-
дан, дилни яйратувчи сеҳ-
ридан лаззатлансангиз ях-
шимасми, эй, мангуликка
даъвогар «хаттот»лар?!
Ш. СУННАТОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Бундан уч йил аввал газетамиз саҳифаларида ўзбек халқининг афсонавий паҳлавони Алпомишнинг номини абадийлаштириш ҳақидаги масала кўтарилган эди. Тошкентлик ўқувчиларнинг бу мурожаатидан кейин Тошкент шаҳридаги Чилонзор тумани раҳбарлари янги очилган болалар қаҳвахонасига Алпомиш номини беришди.

Яқинда эса жумҳурият бўйича яна бир хушxabар тарқалди. Пойтахтдаги «Юбилей» спорт саройининг номи ўзгартрилиб, бундан кейин у ўша биз орзу қилган «Алпомиш» номи билан юритиладиган бўлди. Бундай савобли ишни бажаришга уч йил муддат кетган бўлса-да, унинг амалга ошгани ҳаммани қувонтирди.

● Болалар катталардан ўрнак олиши ҳеч кимга сир эмас. Узоқ йиллар давомида давлат ва умумий мулкка эътиборсизлик билан қараш, уни талон-тарож қилиш ёшлар оғига ҳам сингиб кетган. Москва темир йўли бошлиғи ўринбосарининг айтишича, электричка, пассажир поездларидаги ўриндиқ, ойналарнинг синдирилиши, йиртилиши оқибатида икки ярим миллион сўм зарар кўрилган.



чи — 2 ёш 3 ойлик Темирхон Абдуҷаббор ўғли Қуръон тиловати билан очди. Тўпланганларнинг кўзларида ёш ҳалқаланди... Темирхоннинг онаси рус аёли экан. Мусобақада бу каби аҳли мусулмонларнинг ҳайрат ва олқишларига сабаб бўлган қироатхонлик кўп бўлди.

Суратларда: Мусобақанинг энг ёш иштирокчиси Темирхон Абдуҷаббор ўғли (Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани). Ҳофиз қорилар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган Абдумажид Абдулатиф ўғли (Наманган) Ҳажга бепул боради. Мужовидлар баҳсида иккинчи ўрин соҳиби бўлган 12 ёшли Абдували Раҳмоновга (Тожикистон) совғалар топширилмоқда.

В. ТУРАЕВ олган суратлар.



МУСТАҚИЛ ЮРТ-
да унинг му-
қаддас урф ва буюк
эътиқодларига ин-
тилиш тобора ку-
чаяди. Имон йўлини
тутган халқимиз-
нинг Исломи динини чан-
қоқлик билан ўрганаёт-
гани бунга кўрсатмоқда.
Яқинда бу савобли ишда
Юнусобод туманидаги
Мирзо Юсуф жомеъ мас-
жидида унутилмас, ҳая-
жонли бир тадбир ўтка-
зилди. Мовароуннаҳр му-
сулмонлари идораси та-
шаббуси билан қорила-
рининг Қуръон тиловати
мусобақаси бўлиб ўтди.
Унда асосан ёшлар иш-
тирок этишди. Мусоба-
қанинг энг ёш иштирок-



Биргина Тошкент вилоя-
ти, Янгийўл шаҳри бўйи-
ча 1991 йилнинг ўзида 101
нафар балоғатга етмаган
болалар юқорида айтиб ўтил-
ган сабаблар билан уйла-
ридан қочиб кетганлар.
Ўтган йилнинг биринчи уч
ойи давомида 23 нафар
бола уйдан чиқиб кетган
бўлса, бу кўрсаткич бу
йилнинг шу даврида ҳеч
қанча камаймаган: уйдан
қочиб кетиш ҳолларининг
22 таси қайд этилган. Ке-
зи келганда ана шундай
тарбияси оғир болалар
сони ва улар қилаётган жи-
ноятлар ҳам кўпайиб бора-
ётганини айтиб ўтиш керак.

(Давоми 3-бетда).

ТИЛОВАТ БАҲСИДА

УЙДАН ЧИҚИБ, ҚАЙТИБ КЕЛМАДИ

Халқимизда «қирқ кунда билолмасанг, қирқ йилда ҳам билолмайсан» деган нақл бор. Учқур асримиз учун ҳар иккиси ҳам катта муддат. Негаки бугун техника асрини тараққиётнинг шаклланиган, улкан янгиликларини бизнинг хизматимизда. «Тонг юлдузи» бугун ўз саҳифасида янги руҳи «Танишув»ни очар экан, сиз билмаган, аммо танишишни истаган кишилар ҳақида ҳикоя қилади. Зеро, республикамиз ўз мустақиллигига эришди. Энди уни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш, давлатимизни жаҳоннинг оғир мамлакатлари қаторига қўшиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Шу улғу мақсад йўлида меҳнат қилаётганлар ҳақида равишда замонамиз қаҳрамонларидир. «Танишув» сизларга уларни таништириб боради.

Бугун ушбу руқимизнинг биринчи меҳмони Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси Президенти Тошпўлат ТОЖИДДИНОВдир.

Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси Президенти Тошпўлат Тождидинов жаноблари! Гарчи биз бир-биримизни шахсан танимасак-да, Сиз ҳақингизда кўнглимдаги илиқ туйғуларни матбуот орқали айтишга аҳд қилдим. Аввало Сизнинг номингизни газета орқали таниб, ҳамюртим деб фахр ҳиссини туйганман. Ҳамюртликнинг маъноси кенг, ҳақиқий фарзанд бир қишлоқ, бир туман, вилоятгина эмас. Ватанга, миллатга тегишлидир. Фарзандлар бўладик, юртни тупроққа қоршитиради, ўзгалар оёғи остида топтади. Бундайлар ҳақида олис тариху яқин ўтмишимиз гувоҳлик беради.

Ўзбекистонга ташланган «десантчилар»га не-не амалдору ўз ҳузур-халоватини бузишдан чўчиган сотқинлар хизмат қилмади — бугун бу уятли дард кўпчиликка аён...

Афсуски, бундайлар Бухорода ҳам бор. Бугун улар қилмишларига пушаймонми ёки ўзларича маънайдан, воситачиликдан, юртфурушликдан фахрланадиларми — билмайман. Лекин гап бу ҳақда эмас.

Мен сиз ҳақингизда, ном ҳақида, фарзандлик бурчи ҳақида гапирмоқчиман.

Ҳа, биз, биз тенг авлод Фрунзе қилиб билан, ёвузлик билан бўйсундирган Бухорода туғилдик. Начора, туғилажак авлод, зурриётлар вақт танлаб, замон, тузум танлаб туғилмайдилар. Туғилиш Аллоҳдандир.

Биз бир эмас, икки байроқ остида ўсдик, улғайдик. Минг шукурлар бўлсинки, улғайганимизда Ватанимиз — Ўзбекистон озод бўлди. Озодлик учун кура-

шиб, шаҳид бўлган барча юртдошларимизнинг руҳи шод бўлсин... Бугун озодлик — истиқлол учун ким қанча улуш қўшди — ҳисоб-китобини оладиган фурсат эмас. Ватан учун хизмат қилишнинг фурсати

фурсатни кутиб яшаймиз.

Ўзбекистон ойнаи жаҳон орқали Сизнинг Президентимиз Исроҳ Каримов жаноблари билан учрашувингиз тафсилотларини эшитиб, фақат қувондим. Фурсат зиқ, ғанимат дамларда ҳам Президентимиз Ўзбекистоннинг ғами-ташвишини тушунган, ҳис қилган ва шу мақсадда ўз аниқ режа-тадбирларига эга бўлган кишиларни қабул қилиб, уларни тинглапти.

Бугун Сизнинг амалий ишларингиз республика аҳлига аён деб ўйлайман. Ўзини саховат, хайрия ишларига бағишлаган кишининг қалби нечоғли улкан, мусавфо бўлиши, ҳам аввало Аллоҳдандир.

Сиз қишлоқда туғилдингиз. Вобкентнинг улкан ми-

лигини танимаслиги мумкин эмас. Узоқ давом этган қарамликнинг энг оғир асорати шу бўлдики, миллат сифатида парчаланиб, ака-укадан узоқлашиб, бир-биримизни танимайдиган даражага етдик. Ялпи ночорлик, иқтисодий танглик қуршовида қолдик. Турмушнинг оддийгина қулайликларидан четда, ночор уйларда тиқилиб яшадик. Қайта қуриш шарофати-ю Президентимиз Исроҳ Каримовнинг миллатпарварлик фармонлари боис халқимизга умид, имкониятлар эшиги очилди. Эндиги ҳаракат барчадан, имконини қўлдан бермаслик, бу йўлдаги саъй-ҳаракат кўпчилик томонидан амалга оширилади.

Дунё бизни кузатиб турибди. Аввал ҳам кузат-

муаллимлар керак. Худди шундай дамда биз, ҳамюртларингиз, қадим Бухоронинг пишиқ, асрларни асрларга улаб, қиёфаю номини йўқотмаган тошларига монанд Тошпўлат номингизни эшитдик. Халқимиз тарихи, ўзлиги, маънавиятини танишида беқиёс халис хизматини аямаётган, шу йўлда фидойилик кўрсатаётган газета-ойномаларга моддий ёрдамга шайланганингизни билиб, бошим кўкка етди. Бугун фақат нон-туз билангина қад ростлаш мумкин эмас. Миллатнинг тўқислигига энг одил мезон, бу, аввало, маънавият, ўзликини топиш, маърифатдир.

Президент жаноблари, Сизнинг кўп эзгу ишларингиздан барча хабардор. Вобкентда аёллар учун алоҳида, эркаклар учун алоҳида масжид қурилишига бош қўшганингиздан ҳам огоҳимиз. Бу улғу иш, албатта. Ушбу ишшоот қурилишининг биринчи куни қариялар фотиҳа бериб иш бошланган кунда мен ҳам қатнашдим. Шу кун сизнинг номингиз бот-бот эсланди, ота-онангиз, авлод аждодларингиз шаънига кўп илиқ гаплар бўлди. Узоқда бўлсангиз-да, Сизга дуолар йўллашди. Назаримда, шу кун Сизнинг юрагингизда халқимизга янада улғу хизматлар қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш истаги туғилган бўлса ажаб эмас. Доимо яхшиликка ундовчи, фарзандлари учун дуога қўли очик халқимиз бор экан, биз бахтлимиз.

Узоқда Ватанинг бўлса, йиғлайсан, — дейди шоиримиз. Ватанимиз борлиги учун куюндик, курашдик. Ватанимиз борлиги учун йўқотдик, мана, нияту истакларимиз яқинида етиб келдик. — Ўзбекистон яна бизники.

Дунёда ўз Ватанига эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган ҳар бир инсон бахтлидир. Аллоҳ бизга шундай улғу бахтни насиб этди. Ўзига ҳадсиз раҳмат ва шукурлар бўлсин.

Тошпўлат жаноблари! Сиз билан ғойибона танишдим, яхшилик, очик юз билан ошқора учрашгунча хайр. Эҳтиром ила ҳамюртингиз:

Ражаббой ОТА ТУРК.

ТАНИШУВ

Фарзанд — юртнинг қаноти

ТОШПЎЛАТ ТОЖИДДИНОВ — 1957 йилда Бухоро вилоятининг шарқшунослик куллийти араб тили бўлимини имтиёзли динининг Вобкент туманида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунуни-лом билан тугатган.

Исроҳ тарихи ва моҳиятига бағишланган бир неча китоб, рисола ва мақолалар ёзган.

Янгича тафаккур, эътиқод таъсири, Аллоҳнинг инояти сабаб ўзи бошқариб турган Академияни яратиб ташаббуси билан чиқди ва шу Академияни Халқ дипломатияси фонди қошида тузишга муваффақ бўлди. Академиянинг президиуми Москва шаҳрида жойлашган. Ўзбек, араб, форс, тожик, рус тилларини яхши билади.

Инглиз, олмон, турк тилларини тушунади. Оилали — икки ўғил, икки қизининг отаси.

ҳеч қачон ўтмайди, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Ватан ҳар бир фарзандига шу қадар имкониятлар яратганки, пушаймондаги сотқин ҳам, қўли қон гуноҳкор ҳам халқи, миллати учун лоақал бир кунини бахшида этса — улғуради.

Бугун Ўзбекистондаги ижтимоий, иқтисодий сиёсий вазият бирлашишни, ҳар қандай амалу гуруҳбозликлардан устун туриб, мустақиллиқни ҳимоя қилишга қорлайди. Ҳеч кимни ҳеч қачон фурсат кутмайди, аксинча биз бандаси —

нораси кимларни ҳайратга солмаган. Аждодларимиз қўли, ақл-заковати билан бунёд этилган ушбу минора биз — авлодларга мерос бўлиб қолди. Катта минорага кўзи тушиб улғайган Тошпўлат балки мурувату эзгуликнинг, юсакликнинг илк сабоғини ана шу бобомерос минорадан олган бўлса ажаб эмас.

Ҳа, бизнинг аждодларимиз мадраса кўрган, масжид кўрган, имон-эътиқод йўлида тиз чўкиб, саждага бош қўйган аждоддир. Бу юртнинг фарзанди ўз-

ган. Кимдир томошабин, кимдир муҳолиф, яна кимдир пайт пойлайди. Энди бизнинг оёғимиз тойишига ҳақимиз йўқ. Қўлларча меҳнатимизнинг гаштини бировлар сурди. Элимиз насибаси ҳисобланган ер ости, ер усти бойликлари-мизнинг ҳовурига ўзгалар исинди. Истаймизми-йўқми барибир ўтмишни эслаймиз. Ўтмиш — сабоқ, аччиқ сабоқ.

Энди юртга асл ўғлонлар керак. Мустақиллик дарсидан, маънавий қадриятларимиздан сабоқ берадиган

ТАШВИШЛИ МАКТУБ

Салом, қадрли «Тонг юлдузи»!

Дардимизни кимга айтишни билмай, сенга мактуб йўллашга мажбур бўлдик. Мактабимиздаги алгебра-геометрия ўқитувчимиз Маматқулов домла дарсларда сабоқ бериш ўрнига, ўғлининг ош пиширганини кўкат тозалашлари, ўз ҳаёти ҳақида гапириб беради.

$$A^2 + B^2 =$$

— Домла, дарс ўтайлик, — деган ўқувчини синфдан чиқариб юбориб, яна гапини давом эттириверади.

Охирга соатга тўғри келса, дарс ўтмай ўқувчиларни ўз томорқасига бошлаб бориб, ерларни чоптиради, биз — қизларга, ўт юлдиради. Ўқувчиларнинг, ота-онасининг иш жойига, кийинишига қараб баҳо қўяди.

Бир неча маротаба мак-

табимиз директорига: бизга бошқа ўқитувчи тайинланг, — деб мурожаат қилдик. Лекин натижа бўлмади. Шикоят қилганимиздан кейин қайтага бизга қийин бўлди...



Олийгоҳларга бориб, геометрия ва алгебра фанидан имтиҳон топишсак, ер чопиш, ўт юлиш ҳақида жавоб берамизми?!

М. АБДУЛЛАЕВА,
З. ИБРОХИМОВА,
Н. ОБИДОВА,
ва бошқалар. Жами 22 имзо.

Фарғона шаҳридаги 35-мактаб ўқувчилари.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Россияда йўқолган болаларни қидириш ассоциацияси — РОДЕРО ташкил этилди. Бунга асосан кейинги пайтларда бу давлатдаги болаларнинг турли мақсадларда — пул талаб қилиш, гадоичилик қилиш, лўлиларга сотиш, учун ўғирланиб кетмоқда. Яқинда эса яна бир даҳшатли хабар тарқалди. Кейинги пайтларда теридан ишланган буюмлар модага кирганлиги сабаб даҳшатли «саноат» ишга тушди. Инсон териси энг сифатли тери ҳисобланар экан. Бундай хом ашёни қўлга туширишнинг энг осон йўли эса — бола ўғирлаш...

● Болаларнинг сеvimли қаҳрамони, «ўлмас» каратист Чак Норрис шу йилнинг 17 майда Москва шаҳрига ўз шахсий кўриқчилари билан келди. Шу кунларда спорт каратеси жаҳон ассоциацияси энг кучли каратистлари учрашувини ташкил этишнинг эшитган Чак ҳам унда иштирок этиш истаги борлигини билдирди. Учрашувини ташкил этишга 4 миллион сўм пул сарфланади. Ҳолларга эса унинг 50 минг сўми ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари берилади.



ТАБИАТ ВА ИНСОНИЯТ

— Ботаника, — дейди пойтахтимиздаги 296-мактабнинг шу фан ўқитувчиси Азиза Хўжаева биз билан суҳбатда, — қизиқарли ва масъулиятли фан. Масъулият шундаки, ҳар бир гўёҳни, қушни, жониворни, ҳайвонни асраш кераклигини ўқувчиларга тегин сингдира олиши керак. Табиат ва инсоният бир-бирига узвий, ажралмас боғланган. Бу занжирнинг узилишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ўйлайман. Тасаввур қилинг, атрофингиз гулзор, чигирткалар чириллади, қушларнинг овози бунга ҳамоҳанг бир зум тинмайди. Уларнинг ҳаммаси сиз билан «суҳбат» қилишга шайдек.

СУРАТДА: шу мактабнинг 8-синф ўқувчилари ўқитувчилари Азиза Хўжаева билан амалий машғулот пайтда.

Р. АЛБЕКОВ сурати.

«Отангни тонготар вақти хибондан олиб кетишган. Хурсандчилигидан тўйиб ичган, чунки... О, болам-а, сен шу тонг турилгандинг! У маст бўлган қўлида қонли пичоқ бўлган, кейин мелиса олиб кетган, суд бўлган ва ўн беш йилга қамашган. Лекин бу жазо ноҳақ эди, отанг шубҳалар қурбони бўлди. О, болам-о!...».

— Агар мен тўғримда ёзмоқчи бўлсангиз, исминини бошқача қилиб ёзинг. Ўртоқларимдан уяламан.

— Нима деб?

— Масалан... Ҳамза деб. Ҳамза, мени кечирасану, сен билан очикчасига суҳбатлашмоқчиман. Негаки, кўзларинг жуда мунгли.

— Майли, нимани сўрасангиз, сўрайверинг.

— Унда айт-чи, сен бу ёруғ оламга келганингда, отанг қоронғуликка маҳкум этилган экан. Ёсингни таниганингдан бери бу бахт ва бахтсизликдан ҳеч афсусланганмисан?

— Адашмасам, Ҳ. Олимжоннинг бир шеърида шундай сатрлар бор:

Мен туғилиб ўсган

бу дунё,

Хароб эди, бузғун,

бенаво.

қазиб қочганлар. Милиция эса эрталаб отамни шу аҳволда «қўлга туширган».

Онамнинг айтишига қараганда, отам судда ҳеч қандай кўрсатма бермаган, ўзини ҳимоя қилмаган ҳам, бошини эгиб тураверган эканлар. Эгилган бошни қилич кесмайди, дейдилар, аммо отам ўн беш йилга «кесилди».

Ҳамза гапиришдан тўхтаб, менга саволомуз тикилди. Унинг кўзлари гўё «Бахтли болалик ваъда қилган ўша жамиятда адолат бўлганми?» деяётгандай эди. Мен ўзимни ноқулай сездим. Наҳотки, ҳақиқат — осмонга сочилган юлдуз бўлса?! Демак, у заминдан жуда йироқда. Ким уни Ҳамзага тутиб беради? Ҳеч ким!

— Сен ҳеч отангни кўргани борганмисан?

— Ҳа, ўтган йили айлани баҳор пайтида, баҳор даракчиси бўлиб бордим. У ерларда баҳор бўлмас экан, чунки бутун атроф бетонлаштирилган, автомат тарзда очилиб-ёпиладиган темир эшиклар, тиконли симлар, тўйнуқлар, бир хил кийим кийган, кўзларида орзиқиш лиммо-лим одамлар... Отамни қучоқлаб йиғ-

димди?

— Менинг онам отин опалар. Ёсимда туғилган кунимда (9 ёшимда) «Робинзон Крузо»ни совға этганлар. Уни мириқиб ўқиганман. Баъзан ўзимни шу асар қаҳрамонига қиёс қиламан.

Жак Руссо айтади: «Бола икки ёшгача китоб ўқимасин. Агар у ўқийдиган даражага етса, унинг ўқийдиган китоби фақат «Робинзон Крузо» бўлсин. Бу асар қаҳрамони болаки эркин фикрлашга, меҳнатга ўргатади».

— Ҳамза, биласанми, сен тенги болалар болалигини анҳордами, хибондами, ўйингоҳдами ўтказишади. Сенинг бўш вақтларинг бўладими? Уни қандай ўтказасан?

— Бўш вақтлар... Мактабдан келиб уй ишларига қарашаман, дарс қиламан, бадий китоблар ўқийман. Дам олиш кунлари эса хибонга чиқаман, ҳаёл сураман. Онам ҳазиллашиб «хаёлпараст» ҳам дейди. Ростдан ҳам хаёлпарастман.

— Масалан, нималарни ўйлайсан?

— Қизиқ, деб ўйлайман, олам ҳақиқатдан ҳам қизиқ тузилган. Мана шу борлиқ-

ЙИҒЛАСА

Отамни ўн беш
йилга қамашган...

БОШҚАЛАР

Тўғри, бу гап устида бир тўхтама келолмай кўп ўйлаганман. Аммо ҳозир айтишим мумкин — афсусланмайман. Ҳа, туғилиб бахт ва бахтсизликка дуч келдим.

— Кечирасан, қайси бахтсизликка урғу бераётирсан?

— Отам мен каби пок бўлган... Маҳалламизда ҳамма тенгдошларимнинг ота-жонлари бор эди. Улар кечки сайрга чиқарди. Мен эса уйда қамалиб ўтирдим. Чунки онам икки сме-нада ишлар, оқшом, ҳамма уйкуга кетгандагина қайтарди. Мен шундай вақтда отамни кўп соғинардим. Онам мени алдарди. «Отанг узоқ-узоқ юртларга сайхатга кетган. Сени каттараверсин деган...» Шундай дердию негадир бирдан йиғлаб юбарди. Кимнидир қарғарди, оғизлари қуруқшаб кетарди. Мен эса ҳеч нарсани тушунмас, фақат пиёлада сув ташиш билан овора бўлардим. Шу боис бир кун отамнинг албатта, қайтажагига ишониб қолгандим.

Воқеа эса аслида мана бундай бўлган экан...

Ушанда менинг дунёга келганимни эшитган отам қувончидан ичганлар. Уйга етиб келиши мумкин экану бироқ бизга ҳалал бермай дебми (уйда бувим ҳам бўлганлар) ёки қаттиқ маст бўлибми хибонда тунаб қолган. Шунда ёвуз одамлар бир кишини ўлдириб, пичоқни отамнинг қўлига тут-

ладим, тўйиб-тўйиб йиғладим, ҳали ҳеч замон бундай йиғламагандим. Шунда англадим, йиғи ҳам турлича бўларкан. Гўдаклигимда онамнинг ҳам шундай йиғлаганларини оғир эсладим.

— Сени мактабда тенгдошларинг камситишмайдими?

— Тўғриси айтсам, олдимда ҳеч ким юзимга солмайди, балки қўрқинса керак. Аммо ортимдан нима деб лақаб қўйишганларини биламан — «Зикнинг бола-си». Буни бир ўқитувчимиз айтган. Исмимни айтолмайман.

Расм дарси эди. Ўқитувчимиз кўрсатма бердики, «Ҳамма хоҳлаган расмини чизсин». Мен ҳам чизишни бошладим. Тахминан мана бундай тасвир эди:

Қатлгоҳ. Тумонат одам. Жаллод ва бўйнига «Гуноҳкор» деган ёзувли тахта осилган маҳбус. Маҳбус калласи кундада, жаллод ойболтасини кўтарётган пайт...

Ўқитувчи буни кўрдию жазаваси тутиб бақирди: «Сенга ким қўйибди бундай расм чизишни. Нима, отанг учун жамиятдан қасос олмоқчимисан? А? Гапир, зикнинг боласи».

Мен бу ҳақоратга чидай олмадим, синфдан югуриб ташқарига чиқиб кетдим... Ўша расм ҳозир уйда, бошқатдан ишлаганман. Буни-си анча аниқроқ чиққан.

— Сен қандай китобларни кўп ўқийсан? Еки умуман, ўзингни қайсидир қаҳрамонга қиёс қилгннг кела-

ОНАМ ЙИҒЛАР, ЁЛҒОН ЙИҒЛАР

ни: одамларни ҳам, мавжудотни ҳам, ҳаётни ҳам тубдан ўзгартириш мумкин, бунинг учун бир соат, нари борса икки соат кифоя. Фақатки, шу «кашфиёт»и соатлар ичинда бир фикр яратилса, одамлар қалбига жо этилса бўлгани, — ҳамма нарсаси ўзгаради. Бу ўзгаришдан сўнгги ҳаёт одамларни мавжудотлари юзиде ёвузлик эмас, балки эзгуликни ўқиб олмасиз...

Тўғриси, мен бу бола бунчалик теран фикрлайди, деб ўйламагандим. Ҳаёт сени файласуф қилади, деганлари рост экан. Қуйидаги «фалсафа» алами бор ёш қалбнинг фикри. Хўш, Ҳамзанинг шундай фикрлашига ҳаққи борми, йўқми? Йўқ, демаймиз. Аслида дунёни одамлар эмас, балки фаранг файласуфлари тили билан айтганда — фикрлар бошқаради. Одамлар эса фақат ўзгартиришга қодирлар. Ҳамза айтаётган фикр Адолат эмасмикин?

— Ҳамза, қандай ниятинг бор?

— Отам тезроқ қайтса, икки йил қолди. Кейин ўқишга кирсам.

— Қайсига?

— Ёзувчи бўлмоқчиман ҳеч кимга ўхшамайдиган. Катта асар ёзаман, тахминан, онамнинг кўз ёшлари оққанларича... Бу асарни ўқиб, яна йиғласа онам йиғлар, бошқалар ёлғон йиғлар.

Шакар СУННАТОВ,
Наманган.

РИЗҚИМИЗНИ ҚИЙМАҒ, АМАКИЖОНЛАР!

Шаҳарларимиз дўконларида витаминли озиқ-овқат маҳсулотлари, болаларбоп, арзон, бежирим кийим-кечаклар қидириб юрган аёлларни учратиш одатий ҳолга айланиб қолди. Ишлаб чиқариш қанчалик юқориламасин, магазин пештахталарини тўлдириб бўлмаяпти.

Жумҳуриятимизда истеъмол молларини ташиб кетишга қарши бир қанча ишлар амалга оширилди: купонлар жорий этилди, давлат назорати кучайтирилди. Шундай бўлса-да, ора-мида халқимиз ва ўз фарзандларининг ризқ-насибаларини бойлик, пул орттириш мақсадида талон-тарож қилаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Шу хусуси Тошкентдаги Фишкўприк 26-давлат назорати соқчилиги катта назоратчиси, миршаблик капитани Абдурашид Абдураимовдан сўраганимизда бизга бир неча мисолларни келтирди.

— Ш. Исмолов деб ўзини таништирган киши 4.800 сўмлик болалар пойабзалини олиб чиқиб кетишга уринганида қўлга олдик. М. Ниёзов эса 260 сўмлик 542 дона болалар сўргичини олиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам 200 сўмдан жарима солинди. Бундай мисолларни эса жуда кўп келтириш мумкин: Г. Зубков 540000 сўмлик 350 жуфт болалар ва ўсмирлар пойабзалини, А. Исоқов 750 сўмлик кашшофлар бўйинбоғини, Г. Аҳмедова 2475 сўмлик болалар кўйлак ва шимларини олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилишганда ушлаб қолинди. Жумҳуриятимиз ўғил-қизларига аталган бундай нарсалар, озиқ-овқатларнинг жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилиши олдини олаётганлар орасида назорат пункти-мизнинг катта инспектори, лейтенант Ҳамидулло Файзиевнинг, катта соқчи, катта лейтенант Абдурахим Афолов кабиларнинг хизматини айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Уларнинг хизмати туфайли бугунга қадар анча-мунча тартиббузарлар қонун билан юзма-юз бўлдилар.

Ачинарли ҳол. Тўғри, ҳозир ҳаммага қийин. Шу сабаб ҳар қандай хатоликни кечирса бўлади. Аммо болалар насибасини ўғирлаш уларнинг устидан фойда орттиришдек қабиҳликни кечириб бўлмайди. Шу сабаб ҳам назоратчи амакиларни яна ҳам сергак бўлишга чақирамиз.

М. САТТОРОВ.

УЙДАН ЧИҚИБ, ҚАЙТИБ КЕЛМАДИ

(Боши 1-бетда).

Шу шаҳарда ўтган йили балоғатга етмаган атиги икки нафаргина бола давлат ва шахсий буюмларни ўғирлашда айбланган бўлсалар, бу йил уларнинг сони 10 тага етди, шахсга таъжовуз қилиш ва шахсий буюмларни талон-тарож қилувчилар биттага ортди. Бундай жиноятларни асосан уйдан қочиб кетганлар, муҳтожликдан, пулсизликдан қилишлари ҳеч кимга сир эмас. Энди бу рақамларни жумҳурият бўйича бир кўпайтириб кўринг-а!!!

Йўқолаётган болаларнинг яна бир тоифаси мавжудки, улар уйларида ўз ихтиёрлари билан «қочмайдилар». Ўғирланаётган болалар, уларни пул эвазига қайтарайтган кишилар ҳақида эшитгандирсиз. Бугунги кунда бундай даҳшатли ҳодисалар ҳам одатий ҳолга айланиб қолмоқда. Бундан ташқари, адашган, катталар таъсирида кетиб қолган, тарбияси бузилган болаларга ҳам қидирув эълон қилиниб, уларни милиция ходимлари излашга, куч ва вақт кетказишга мажбурлар. Бугун биз биргина Янгийўл шаҳри бўйича рақамлар келтирар эканмиз, ҳар бирингизни — катталарни ҳам, болаларни ҳам ўйлаб кўришга, эҳтиёт бўлишга, даъват этамиз: ўтган йили

шаҳар бўйича 11 нафар болага қидирув эълон қилинган экан. Қувонарлиси шундаки, улар топилиб, уйлари-га, ота-оналари бағрига қайтарилганлар. Аммо бундай ҳол бу йил такрорланмаслигига ким кафолат бера олади? Қидирув эълон қилинганлар орасида худо кўрсатмасин, сизнинг ҳам фарзандингиз бўлмаслиги учун нима қилмоқ керак? Бугун узундан-узоқ рақамлар келтириб, бунингсиз ҳам турли ташвишларга тўла кўнглингизни рағшлаштиришимиздан мақсад ҳам ана шу саволларга биргаликда жавоб бериш ва бу масала устида жиддий ўйлаб кўриш эди.

Ҳурматли ота-оналар, азиз муаллимлар, катталар! Атрофингиздаги болаларга эҳтиборли бўлинг. Уларга тушунинг, дардига, қалбига қулоқ тутинг. Улар сизларга, ўз туғилиб ўсган уйига, ватанига меҳр қўйишсин.

Болаларга эса айтадиган гапимиз шу — ҳар ким ўз уйида воёга етса, умри охиригача омадли бўлади. Ташқаридан омад қидирган бахтсизликкагина эришади. Ҳар қандай хафагарчиликни аламини уйдан қочиш, бошқа шаҳарга кетиб қолишдан олманг. Мулоҳаза қилинг, атрофдагилардан ёрдам сўранг. Бу сиз учун ҳам, катталар учун ҳам фойдали.

Д. ТУРАХМЕТОВА.

Бахтимиз, қувончимиз МАДИНАВОНУ!

Сени 12 баҳорни қаршилашинг билан қутлаймиз. Сенга узоқ-умр, бахт саодат тилаймиз. Ўйлаган ният ва орзуларинг амалга ошаверсин. АСЛОНОВлар оиласи.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

КАМАЛАКНИНГ ЕТТИ РАНГИ

Болалар ариқ бўйида ўтириб, сувнинг оқишини, узоқлашиб боришида унинг манзара суратини тасвирлар эдилар. Улар йўл қўяётган хатолари шунда эдики, ариқ гўё юқорилаб осмонга туташиб кетар эди. Бу каби камчиликларни нарсанинг ўзидан қараб ишлаш дарсларида ҳам учратиш мумкин.

Бунинг сабаби тасвирий санъат дарсларида амалий кузатув машғулоти қониқарли ўтказилмаётгани ёки бу ҳақда фақат оғзаки изоҳлаб бериш билан ки-фояланишда бўлиши мумкин.

Кўп йиллик тажрибаларимизга кўра, бундай камчилик янгича кузатув дарчаси ёрдамида осонгина ҳал қилиниши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун кузатув дарчасига ҳаракатланувчи уфқ кўрсаткичи шкаласи ўрнатилса бас. Дарчанинг пастки чап бурчаги айланувчи стрелка билан бойитилса, уфқ томони билан йўналишлар аниқланади.

Кузатув дарчасининг параллел томонларига барабар, линейка тарзида ўлчам белгилари қўйиб чиқиш фойдали.

Шундай қилиб, биз расм чизишни энди ўрганаётган киши учун зарур қуролга эга бўламиз.

Бу қуролнинг муҳимлиги унинг дидактиклигидир. У орқали ўқувчи ўз хатоларини кўриш имкониятига эга бўлади ва тўғри чизишга ҳаракат қилади.

Бунинг учун расм чизувчининг диққати танланган лавҳа сюжетига киритилмайдиган барча қўшимча деталлардан ҳоли бўлмоғи

зарур. Манзара таъсирчан, композицион ечимни излаш, қулай бўлиш мақсадида ёш рассомлар кузатиш дарчасидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Қоғоз ёки картондан қирқиб ясалган кузатув дарчаси орқали манзарани обдон кузатиш, саёҳат қилиш, уни фикран асосий ва зарур бўлмаган бўлакларга ажратиш ва

Бундай кузатув дарчаси орқали нафақат чиройли, қулай манзаралар жойла-нишини кўрибгина қолмасдан бир йўла уларнинг уфқ чизиқларининг ҳолатини ёки баланд-пастлигини аниқлашда бош чиқиш нуқтаси томон йўналишларини белгилашда, бурчак ўлчамларини аниқлаш ва бурчак диагоналлари орқали бутун бир

қирралар устига ётқизиш орқали аниқланади.

Дарчанинг ҳар икки вертикаль томони бўйлаб горизонтал юрвчи шкала икки томонига параллель ҳолатда қаттиқ симдан из ясаб ўрнатилади. Шкала силлиқ силжиш учун из ниҳоятда тўғри бўлиши шарт. Ана шу шкала баланд ва пастга сурилиб, дарча орқали қурилган уфқ устига ётқизилади.

Вертикал шкала ҳам горизонталга ўхшаб ўрнатилади. Бу эса кузатув дарчани суврат текислиги форматига мослашуви ва баъзи вертикал ҳолдаги деталларни аниқлашда ёрдам бериши мумкин. Дарчанинг ҳар тўрт томонига бир-биридан бир хил узоқликда жойлашган белгилар (линейка белгилари тарзида) қўйилиши мақсадга мувофиқдир.


Масалан: 2-2, 4-4, кабилар. (1-расмга қаралсин).

Бу эса формага чамалаб чизилаётган уфқни ва бошқа деталларни аниқ топишда фойдалаланиш мумкин. Яъни кузатув дарчасининг бўлаклари унга мос бўлган, сурат текислигидаги қўйиб чиқиши мумкин бўлган бўлакларга пропорционал тенг бўлганда кузатув дарчаси орқали кўринган нарсаларнинг барчаси сурат текислигида ҳам ўз ўрнини топади.

Шундай қилиб, бу кузатув дарчаси бўлади. Бу қуролни натурандан сурат чизувчи ҳар бир киши ўзи билан олиб юриши, этюдникда сақлаши мумкин...

Биз тавсия этаётган кузатув дарчаси бир намунадир. Бундай кузатув дарчасини ҳар бирингиз ўзингиз ясаб олишингиз мумкин.

А. ИСОХОЖИЕВ,
Низомий номидаги ТДПИ-нинг катта ўқитувчиси.



КУЗАТУВ ДАРЧАСИ

фазовий планларга қўшиб кўриши мумкин.

Ана шу оддий кузатув дарчасига баъзи бир қўшимча деталлар киритиш орқали унинг янада фойдалироқ, мукамалроқ намунасига эришилди. Кўп йиллик машғулотлар тажрибасидан маълум бўлдики, расм дарсларида ана шу такомиллаштирилган кузатув дарчасидан фойдаланиш мумкин.

Биз тавсия этаётган янги формадаги кузатув дарчаси аввалгидан амалий жиҳатдан кўпроқ фойдали эканлиги машғулотлар жараёнида маълум бўлди.

текисликларни қисқартири-шини аниқлаш қулай. Так-лиф этилаётган кузатув дар-часи қуйидагича ясалади. Фонар ёки бошқа қаттиқ материаллардан тўғри тўрт-бурчак шакли қирқиб оли-нади. Ҳосил бўлган дарча чап томонининг пастки бур-чагидан чиқувчи стрелка ўрнатилади.

Бу стрелка мустақим ва тезда буклиб кетмаслиги учун иккита транспортёр орасига олинади. Ана шу стрелка қўзғатиб, уфқ чи-зиғи ва сурат текислигининг асосига нисбатан параллель ҳолатда бўлмаган томонлар

ШИФОКОР
МАСЛАҲАТИЭҲТИЁТ БЎЛИНГ—
САРИҚ ОФАТИ

Шифокорнинг вазифаси инсонлар саломатлигини ас-раш билан бирга, касаллик-нинг олдини олиш ва ундан барчани огоҳлантиришдир. Шу сабаб ҳам баҳор кели-ши билан сиз, азиз болажон-ларни, жумҳуриятимизда кенг тарқалган сариқ касал-лигидан сақланиш керакли-ги ҳақида яна бир бор огоҳ-лантирмоқчимиз.

Сариқ касаллиги вируси асосан ювилмаган мева ва сабзавотлардан, ифлослан-ган сув, идиш-товоқ ва тур-ли буюмлардан ўтади. Бу вируснинг энг хавфли томони инсон ички организмнинг муҳим аъзоси — жигарни ишдан чиқаради.

Ўлкамизга пишиқчилик даври — ёз фаслининг кели-шига ҳам оз вақт қолди. Айни шу кунларда бу ка-саллик ҳақида сўз юрита-ётганимизнинг асосий са-баби ҳам шу пишиқчиликка тўғри келади.

Болажонлар! Ҳар қан-дай мева ва сабзавотни илиқ сувда ювиб истеъмол қилинг! Овқатланиш, бирон егулик истеъмол қилишдан олдин албатта, қўлларингиз-ни ювинг! Очиқ ҳавзаларда чўмилганда, иложи борича сув хўпламанг! Ушбуларга риоя қилсангиз, сиз ўзингиз-ни сариқ касаллигидан ҳи-моя қилган бўласиз.

Т. ИБРОҲИМОВ,
Тошкент шаҳар 3-юқум-ли касалликлар шифохо-насининг бош ҳакими.

Азиз қизимиз ЛОЛА!

Сени 11 ёшга тўлишинг билан чин юракдан муборак-бод этамиз.

Ҳамиша қувноқ ва шодон юргин. Ўйлаган орзу ва ниятларинг сенинг йўлдошинг бўлсин деб,

Отанг Ғиёсиддин, онанг Ҳадича, синглинг Дилдора.



Тошкент шаҳри, Ҳ. Олим-жон майдони 11-уй, 8-хона.

Азиз набирам ЖАМШИДХОН!

Қутлуг айёминг, яъни туғилган кунинг билан чин қал-бимдан қутлайман. Сенга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик ти-лайман. Яхши орзулар ҳамиша сенга ёр бўлсин деб,

бувинг Моҳурабону Низамхон қизи.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўқу-
қизиқ

Хонаки қуёнларнинг энг майда тури недерлан қуён-лари саналади. Уларнинг ўл-ғайган ҳолдаги оғирлиги 0,9 — 1,1 килограммга ета-ди. 1975 йилда Жак Було исмли француз оғирлиги бор-йўғи 396 грамм келади-ган қуён пайдо бўлганлиги ҳақида маълум қилади.

Қулоқларнинг узунлиги-да Лоп оиласига мансуб бўлган қуёнларнинг олди-га тушадигани йўқ. Улар қуло-қининг узунлиги 76 санти-метр келади.

Шайр турига мансуб бўл-ган Сэмсон лақабли от энг бўйи баланд от деб рўй-хатга олинган. Бу от бўйи-нинг баландлиги 2,18 метр, оғирлиги 1524 килограмм келади.

ЭЪЛОН

Якубова Ноиба Омиловна номига 1975 йил, 23 июнда берилган А № 972088 но-мерли АТТЕСТАТ бекор қи-линади.

Суюкли қизимиз ДИНАРАХОН!

Бу баҳор 8 ёшга қаршилайсан. Шу муносабат би-лан биз сени чин қалбдан табриклаймиз. Келгусидаги ўқиш ва ишларингга ривож ва омад тилаймиз.

ДАЪЖАНОВлар оиласи.




Севики ўғлим АБДУРАҲИМ!

Сенинг 8 ёшга тўлишинг билан чин юракдан табрик-лайман. Сенга сиҳат-саломатлик, ўқишларингда улкан зафарлар тилайман.

УСМОНОВлар оиласи.

Отанг Ғиёс, онанг Муҳайё,

онанг Мавлуда.
Тошкент вилояти, Қибрай
гумани, Ўқитувчилар куча-си, 37-уй.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРДОВ

Таҳрир ҳайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир

ўринбосари), А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,

Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Таъсис этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг чоршанба
ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концернининг босмаҳонаси.

Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй

Чоп этиш вақти — 18.00.

Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.